


*Ер юзида ўсимлик учрамайдиган макон бўлмаса керак. У океан ва денгизларда, дарё ва кўлларда, кимсасиз жазирама чўлу саҳроларда, қояларда ва ғорларда, қир-адирларда, буюк тоғ ва яйловларда, гўзал боғларда, шунингдек ҳар бир хонадонда ҳам топилади. Уларнинг ички сирлари, ажойиботлари ҳам доим ўзи билан бирга. Қуйида ўсимликнинг ўзига хос ана шундай ажойиб хислатлари билан танишасиз.*

## ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИДА

### ДАРАХТСИМОН ЎТ

Австралиянинг саванналарида ўзига хос дарахтсимон ўтлар кўп ўсади. Уларнинг таналари дарахтларникига ўхшаш йўғон ва баланд, лекин шох-шаббалари бўлмайди. Улар кўп йиллик ўт бўлишига қарамай дарахтларга ўхшаб кетади. Таналарининг энг учида бир тутам ингичка майин барглар ўрнашган. Бу «дарахтнинг» учида гуллаш даврига келиб узун гулбарглар пайдо бўлиб, сўнгра гуллар очилади. Усимлик танаси қирқилса ундан шира ажралади. Бу ширадан лак ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

### ОШҚОЗОННИ АЛДАЙДИ

Ҳиндистонда ўсадиган калирнадан ўсимлигининг барги истеъмол қилганда очликнинг бартараф қилиниши, яъни одам ўзини анчагина тўқ ҳис қилиши қадимдан маълум. Бу ўсимликни кўп ейдиган паст табақали одамлар уни «ошқозон алдовчи» деб юритадилар. Сўнгги йилларда бу ўсимликнинг шарбатини текширган олимлар, унинг таркибида ҳеч қандай тўйимли модда йўқлигини ва у фақат тўқлик ҳиссини вужудга келтиришини исботладилар.

Бугунги кунда Европа ва Америкадаги бир қанча дори тайёрловчи фирмалар озишни истовчилар учун бу тўйимли баргдан дори тайёрламоқдалар.

### ОБ-ҲАВОДАН ДАРАК БЕРАДИ

Табиатда энг сезгир аппаратлар билан сезиш қийин бўлган ҳаво намлигини ниҳоятда тез сезиб оладиган ўсимликлар борлиги кўпчиликда шубҳа туғдиради. Африканинг баъзи мамлакатлари ҳамда Ҳиндистонда дарё бўйлаб узоқ-узоқларга чўзилган чангалзорларда ўсадиган Канна индика фикримизнинг далилидир. Бу ўсимликнинг тагида йиртқич ҳайвонлар яшириниб ётади. Бу қамиш қиёфасидаги ўсимликка қараб эртага об-ҳаво қандай бўлишини дарров билиб олиш мумкин. Агар эрталаб соат саккизўнларда канна баргларининг бурчакларида кўз ёши сингари томчилар пайдо бўлса, яъни туб аҳолининг ибораси билан айтганда канна йиғласа, дарҳақиқат жунгли осмонида булутлар пайдо бўлиб кучли ёмғир ёғади.

Оқила РАИМОВА.

*Байрам тараддуди*

## КЎНГИЛЛАР ҚУВНАЙДИ

Кейинги пайтларда йўлингиз тушиб Мирзо Улуғбек туманидаги Олимлар шаҳарчасига борган бўлсангиз, нисбатан қисқа муддат ичида бу ерда улкан ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлгансиз албатта. Дарҳақиқат, 4-қурилиш бошқармаси, кучи билан шаҳарчанинг маркази — Мирзо Улуғбек майдонида бир неча ажойиб фавворалар, шаршаралар, болаларнинг дам олиш майдончалари, кичик-кичик дўкончалар қад кўтарди, кўплаб ўриндиқлар ўрнатилиб, бу ер ҳақли равишда шу атрофда истиқомат қилувчи аҳолининг севимли дам олиш масканига айланди. Бироқ, энг муҳими, ҳозир майдонда Бахт уйи, ресторан, «Олимлар» маҳалласи маркази, чойхона, маросимлар хонаси, маиший хизмат нуқталари, дўконча, ҳудуд нозири хоналаридан иборат ажойиб мажмуанинг қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Уни қўли гул бунёдкорларимиз Мустақиллик байрамига туман аҳлига тортиқ қилиш ниятидалар. Зеро, туман миқёсидаги Мустақиллигимизнинг 4 йиллигининг асосий шодиёналари Олимлар шаҳарчасида бўлиб ўтади. Ушбу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш учун амалга оширилаётган ишлар, тайёргарлик ҳаракатлари, хусусан, Олимлар шаҳарчасининг янги кўриниши тўғрисида бизга Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўринбосари, 7-«Қорасув» округининг раҳбари Илҳом Расулов сўзлаб берди.

— Олимлар шаҳарчасида ҳозир иш жуда қизғин, — дейди Илҳом ака. — Шаҳарчадаги Мирзо Улуғбек майдонида байрам тантаналарига мўлжаллаб ҳунармандлар шаҳарчаси, болалар шаҳарчалари қуриляпти. Шунингдек, байрам куни бу ерда миллий кураш, акробатика, гимнастика бўйича мусобақалар ва кўргазмали чиқишлар ташкил қилинади. Пакана отлар, туялар болаларга бепул хизмат кўрсатади. Бош майдонда тумандаги барча бадиий ҳаваскорлик дасталари, шунингдек, ҳар бир мактаб ва боғчанинг ансамбллари ўз куй-қўшиқлари билан байрамга ўзгача файз киритадилар. Бироқ энг муҳими, шу куни «Олимлар» маҳалласи гузарининг очилиши ҳам байрам тантаналарига уланиб кетади. Кечқурун ушбу мажмуада 1 та ёқут, 1 та олтин, 2 та никоҳ ва суннат тўйлари ўтказилади. Сценарий шундай тузилганки, тантаналар худди бир оила ҳаётидан олингандек, суннат тўйи билан бошланиб ёқут тўйга уланиб кетади. Бундан ташқари туман бўйича 300 та оилага 200 сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари, кам даромадли оилага бепул болалар кийим-кечаклари, дори-дармонлар топширилади.

Албатта, бундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари, байрам тадбирларини ўтказишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунга биз 7-«Қорасув» округи ташкилот, маҳалла ва корхоналар раҳбарларининг ҳар куни ўтказилаётган умумий йиғилишида қатнашгач тўла ишонч ҳосил қилдик. Шу кунги йиғилишга 100 га яқин мутасаддилар йиғилиб, қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Ўринли таклифлар билдирилди. Ҳудудни ободонлаштириш, хайрия ёрдами кўрсатилиши масалалари муҳокама қилинди ва берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини текшириб бориш мақсадида махсус ҳайъат тузилди. Маълум бўлишича, ҳудуддаги барча корхона, ташкилот, муассасалар байрамни ўтказиш, унга тайёргарлик, орасталик ишларини ташкил қилиш бўйича ўз режаларини тузиб шунга асосан фаолият кўрсатишаётган экан. Хайрия тадбирларини ўтказиш учун эса «Кимган» Корея — Ўзбекистон қўшма корхонаси, «Бобур-Сингх» қўшма корхонаси ва «Буюк Ипак йўли» корпорациялари ҳомийлик қилишмоқда.

Дарҳақиқат, бундай саъй-ҳаракатлар албатта ўз самарасини бериб, туман тобора ободонлашиб, энг муҳими эса халқимизнинг дастурхони тўкин, кўнгиллари шод бўлади.

Дилшод ИСМОИЛ ўғли.

*Тошкентликлар дастурхони тўкинлиги йўлида*

## ДЕҲҚОН ЮБОРГАН САРА МАҲСУЛОТЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллик байрами муносабати ва ҳамшаҳарларимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш ҳамда истеъмол бозорини картошка, сабзавот, дала ноз-неъматлари билан тўлдириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов фармойиши билан шаҳримизда шу йилнинг 15 августидан 30 сентябргача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси ярмаркаси ўтказишга қарор қилинган эди. Хўш, бу тадбир қандай ўтмоқда? Ундан аҳоли хурсандми? Мана шу саволларга жавоб топиш мақсадида жойларда бўлиб ярмарка иши билан яқиндан танишдик, харидорлар билан суҳбатлашдик.***










*Шаҳримизда ўтаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо-ярмаркасида.*

Бугун шаҳримизнинг барча бозорлари жуда гавжумлашиб кетган. Айниқса қовун-тарвуз расталарини айтмайсизми? Ушбу маҳсулотларнинг ранг-баранглиги ва турининг кўплигини кўриб кўзингиз қамашади. Қай бирини танлашни билмай ўйланиб қоласиз. Шунда сизга соҳибкорлар ёрдамга келишади.

— Мана бунисини олинг, янглишмайсиз.

— Чақмоқлаб бераман, татиб кўринг, тилими тилни ёради, ака.

«Олой» бозорида ўтаётган сабзавот ярмаркасини бойитишда Қибрай тумани дала меҳнаткашларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ҳар тонг қибрайликлар карвони бозордаги ўз ўрнини муқим эгалламоқда. Улар томонидан кунига ҳамшаҳарларимизга жўнатилаётган 13-14 тонна сара маҳсулотлар эл дастурхонига қут-барака киритмоқда. Айниқса ушбу мева ва сабзавотларнинг бозор нархига нисбатан арзонлиги харидорларни хушнуд этмоқда.

— Ярмарка ўтказишдан асосий мақсад умум аҳоли ижтимоий ҳимояси ҳамда бозор мўл-кўллигини таъминлаш йўлида қўрилган бир тадбирдир, — дейишади Қибрайдан келган вакиллар бизга. — Айниқса ярмарка ишида туманимизнинг Дўрмон, Маданият, Буриота, Турон, Байтқўрғон, Ёрмуҳамедов, Мусамуҳамедов, Қибрай ва Лимончилик жамоа хўжаликлари фаол иштирок этишмоқда.

«Юнусобод» бозорида турнақатор тизилган машиналар карвонида сабзавотдан тортиб меванинг турли хиллригача сотиляпти. Суриштириб билсак бу маҳсулотлар қўшни Тошкент вилоятидан келтирилган экан.

— Оғиримизни енгил қилиб бозоримизда маъмурчиликни таъминлаётганлар шулар, — дейди бозорком Раҳимжон Пўлатов машиналар карвонига ишора қилиб. — Бу хусусда гап борганда туманнинг Ғуломмаҳмуд Абдулаев номли жамоа хўжалиги аъзоларининг бизга кўрсатаётган ҳимматини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Хўжалик раҳбарияти билан тузган шартномамизга мувофиқ улар қишин-ёзин бозоримизни мева-сабзавотлар билан тўлдириб туришибди. Қолаверса жамоа бозорга яқин бўлгани учун унинг аъзолари ҳам ўз томорқаларида етиштирилган ҳосилни шу ерда сотишади. Бир сўз билан айтганда, Тошкентимизга туташ бўлган бу жамоанинг йил сайин ҳамшаҳарларимизга кўрсатаётган саховати ортиб бормоқда.

Тошкент шаҳар мева-сабзавот саноат бирлашмасидан бизга хабар қилишларича, ярмаркада Сирдарё вилояти миришкорлари ҳам фаол иштирок этишаётган экан. Шуни ҳисобга олиб, сирдарёликлар жойлашган Шайхонтоҳур туманининг «Шоирлар хиёбони» майдонига йўл олдик. Эрталаб соат 8.00. Машиналар юкхонасини тўлдириб турган сара маҳсулотлар мижозлар эътиборига ҳавола этилади. Эҳ-ҳе, бу ерда нималар йўқ дейсиз. Оддий карамдан тортиб, турли мева-чеваларгача ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Биз биринчи бўлиб, юк халтасини тўлдириб қайтаётган Муборак Олимовани суҳбатга тортдик.

— Ярмарка ташкил этилишидан ҳаммамиз мамнунмиз. Айниқса, сотилаётган маҳсулотлар нархи бозорникидан анча арзонлиги бизни қувонтирмоқда.

— Бугунги ярмаркада вилоятимизнинг бешта тумани қатнашмоқда, — дейди сирдарёлик вакил Олимжон Жўраев. — Булар Сайхунобод, Гулистон, Оқолтин, Сирдарё, Шароф Рашидов туманларидир. Улар томонидан ҳаммаси бўлиб 56 тонна маҳсулот келтирилди. Масалан, биргина Сирдарё туманининг ўзи олиб келган юк 15 тоннани ташкил этади.

Ярмарка ишини қатъий жадвал асосида ташкил этганмиз. Ҳар икки кунда белгиланган туманлар навбатма-навбат ўз маҳсулотларини келтириб туришади. Бу усулнинг қулайлиги шундаки, биринчидан, маҳсулотлар сифати бузилмай харидорлар қўлига тегади, иккинчидан, уларнинг тури ҳам кун сайин янгиланиб туради.

Бугун «Қорақамиш» бозорига келган харидорлар чинозлик сабзавоткорлар хизматидан мамнун бўлишмоқда. Шу кунгача улар 4 минг тоннага яқин мева ва сабзавотларни ҳамшаҳарларимизга тортиқ этишди. Харидорлар бизга Гулзоробод, Охунова, Эрназаров, Собир Раҳимов, Охунбобоев, «Олмазор» жамоа хўжаликларидан келтирилаётган сифатли маҳсулотлар ҳақида илиқ фикрларни билдиришди.

— «Оникс» заводида ишлайман, — дейди Ҳошим Саидвалиев. — Аввало биз фуқароларга бунақа қулай шароитларни яратиб бераётган юртбошимизга раҳмат. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан аста-секин бозорларимизда чинакам арзончилик ҳукм сурмоқда. Қаранг, мана шу қовун билан тарвузни 10 сўмга сотиб олдим. Ахир куни кеча буларнинг ҳар бирини 15-20 сўмдан харид қилаётган эдик.

Шу куни шаҳримизнинг «Чилонзор» метро бекатида (Жиззах вилояти), «Ширин» бозорида (Фарғона вилояти) ҳамда Истиқлол кўчасидаги еттита очиқ павильонда (Тошкент шаҳар мева-сабзавот саноат бирлашмаси) ташкил этилган ярмарка бозорларида бўлиб харидорларнинг миннатдорчилик билдирган дил сўзларини тингладик.

— Бу хайрли тадбирдан республикамизнинг биронта вилояти ҳам четда қолмайди, — дейди бизга Тошкент шаҳар мева-сабзавот саноат бирлашмаси раиси Салоҳиддин Шахобов. — Масалан, биргина Андижон вилоятини олиб кўрайлик. Бу ердан дастлабки ўн кунлик давомида 50 тонна картошка, 180 тонна сабзавот, 60 тонна мева ва бошқа шу каби маҳсулотлар келтирилади. Қолган вилоятларнинг қўшадиган ҳиссаси ҳам тахминан шу атрофда. Ярмарка ўтадиган жойларда барча қулайликлар бўлишининг чорасини олдиндан кўриб қўйганмиз. Республикамиз вилоятларидан келган вакиллар қийналмай савдо-сотиқ қилишлари учун зарур шароитлар яратилган. Уларни иссиқ овқат ва чой билан таъминлаш учун ўша ернинг ўзида кўчма ошхона ва чойхоналар ташкил этилган.

Хуллас, ярмарка давомида ҳамшаҳарларимизга республикамиз вилоятларидан ва Қорақалпоғистондан 30 минг 960 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, 4,5 минг тонна картошка, 18 минг тонна сабзавот, 3 минг тоннадан ортиқ мева-чева ва 3600 тонна полиз маҳсулотлари келтириб сотилади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*Фарзандингиз мактабга тайёрми?*

## ТАРБИЯНИНГ ИЛК ПОҒОНАЛАРИ

Ривожланган давлатларда болалар оиладан мактабгача тарбия муассасаларидан ҳарф таниб, саводхон бўлиб, ўқишга тайёр келадилар. Биз ҳам саводга ўргатишнинг зарурлигини ҳисобга олиб, 1994-1995 ўқув йилининг бошидан бошлаб тажриба синов сифатида «Болалар боғчасида тарбия дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонунимизга асосланиб илғор педагогик тажрибани қўллашни режаладик. Мактабгача тарбия муассасаларида «Болалар боғчасида тарбия дастури» асосида ақлий, ахлоқий, эстетик, меҳнат, жисмоний тарбия бўйича билим бериб тарбиялашни бошлаб юбордилар.

Айни кунда республикамизда мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг 70 фоизи оилада тарбияланмоқда. Бундан кўриниб турибдики, оилада тарбияланаётган болаларга эътиборни кучайтириб, услубий ёрдам кўрсатиш ва уларни турли адабиётлар билан таъминлаш зарур. Шу мақсадда республика таълим илмий-услубий маркази қошида муаллифлар ишчи гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳга кўп йиллик иш тажрибасига эга мутахассислар, педагог олимлар, амалиётчилар жалб қилинган. Болаларни мактабгача тарбия муассасаларига тайёрлаш бўйича муаллифлардан Қ. Қосимованинг «Дастур», Э. Мўродов ва Х. Сотиболдиеванинг «Алифбе», А. Суюновнинг «Ёзув машғулотлари учун дидактик материаллар», М. Ғуломовнинг «Ҳуснихат дафтари», Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг бошланғич таълим кабинети илмий ходимлари муаллифлигида «Ҳарф ва бўғин кассалари», Х. Эгамовнинг «Ўзинг давом эттир» каби қўлёзмаларини айтиб ўтиш мумкин.

Кўпчилик ота-оналарни «Болани мактабга қандай тайёрлаш ва қизиқтириш мумкин?», «Боланинг яхши ўқишини қандай таъминлаш керак?» деган саволлар қийнайди. С. Охунжонова томонидан тайёрланган «Болаларни оилада мактабга тайёрлаш ҳақида» қўлёзмаси ушбу саволларга жавоб бера олади, деган умиддамиз. Бу борада оилада болани мактабга тайёрлаш йўл-йўриқлари, усуллари, муаммолари устида атрофлича изланишлар олиб борилмоқда.

Шу кунларда «Фарзандингиз мактабга тайёрми?», «Болалари мактабга қабул қилинган ота-оналар учун маслаҳатлар», «Илк қувончлар, ташвишлар, муаммолар», «Мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларига болаларни саводга ўргатишга доир услубий маслаҳатлар» мавзуларида Ўзбекистон «ойнаи жаҳони» орқали ота-оналар ва тарбиячилар учун кўрсатувлар тайёрланмоқда.

Биз катталар болани янги ҳаёт — мактаб остонасида турганлигини англатмоғимиз, мактаб ҳаётига ҳавасини уйғотишимиз зарур.

Мавлуда ИСЛОМОВА,
Республика таълими илмий-услубий марказининг мактабгача тарбия бўлими услубшуноси.

*Суратли ахборот*

## «МУСТАҚИЛЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА АЁЛ»

Куни кеча Акмал Икромов тумани аҳли, фаоллари, хотин-қизлари Мустақиллик байрамининг тўрт йиллигига бағишланган «Мустақиллик, тараққиёт ва аёл» деб номланган адабий-бадиий кечани ўтказишди. Фаоллар орасида ёш тадбиркорлар, янги ташкил этилган қизлар клуби аъзолари, мактабгача тарбияланувчилар ҳам бор эди.

— Республикамиз мустақиллигининг равнақ топишида хотин-қизларнинг роли жуда катта эканлиги ҳеч кимга сир эмас, — деб сўз бошлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг муовини, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова. — Тошкент шаҳрида, умуман республикамиздаги аёлларнинг ҳозирги кунда олиб бораётган ишлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Биз аёлмиз, ҳар қандай шароитда бўлмасин вазиятга қараб иш тута билишимиз керак. Шунинг учун ҳам юртбошимиз республикамизда хотин-қизларнинг масъул вазифаларда ишлаб, мустақил давлатимизни равнақ топтиришга камарбаста бўлишимизга кенг йўл очиб бердилар. Бундай имконият ва хотин-қизларга бўлган эътибордан миннатдормиз.



Мустақилликка эришганимиздан буён республикамиз кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Жаҳондаги кўзга кўринган мустақил давлатлар





республикамиз хотин-қизлар қўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини боғлаб юборишди. Шунинг учун ҳам хотин-қизларимиз ҳар доимгидек ўз фаолликларини ҳеч сусайтирмасликлари лозим. Ҳозирги кунда халқ таълими ходимларининг 60, тиббий муассасаларнинг 70, давлат муассасалари ходимларининг 80 фоизини аёллар ташкил этади.

Катта шодиёна олдидан ажойиб хушхабарни сизларга айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда республикамиз хотин-қизлари қўшалоқ байрамларга ҳозирлик кўришмоқда. Мустақиллигимиз туфайли юртимиз аёллари Халқаро хотин-қизлар конгрессида иштирок этишга ва бундан кейин биргаликда иш олиб бориш ҳуқуқига эга бўлдилар. 15 сентябрда Пекинда очиладиган IV Халқаро хотин-қизлар конгрессида биз ҳам иштирок этамиз. Бу конгресснинг аввалгилари Мехикода, Копенгаген, Найроби шаҳарларида ўтказилган эди. Бу ерда олиб борилган барча ишлар ҳақида бизлар фақат матбуот, радио, ойнаи жаҳон орқалигина хабардор бўлган бўлсак, энди ўзимиз иштирок этамиз. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз туфайлидир...

Кўтаринки руҳда ўтган адабий-бадиий кечага кўзга кўринган хонанда, созанда, ҳофизлар, бадиий ҳаваскорлар ва «Ором» болалар боғчасининг жажжилари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар файз киритди. Республика болалар жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига байрам совғалари топширилди.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

*СУРАТЛАРДА: «Мустақиллик, тараққиёт ва аёл» адабий-бадиий кечасидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Тадбиркорга омад ёр*

## МАҲАЛЛА ЧЕВАРЛАРИ

Шаҳримиздаги Акмал Икромов тумани тадбиркорлари, маҳалла фаоллари ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида яхши яшаш ва яхши меҳнат қилиш фақат ўзимизга боғлиқ эканлигини тўғри тушуниб етишмоқда. Бу борада туманнинг Акмал Икромов маҳалласи хотин-қизлари амалга ошираётган ишлар фикримиз далилидир. Бу ерда асосан маҳаллий миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг кўпчилигини кўп болали оналар ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу ерда тадбиркорлик билан иш юритилиб, ёшлар, ёш болали оналар, эндигина мактабни тугатаётган қизларга ҳунар ўргатиш, иш билан таъминлаш секин-секин яхшиланиб бормоқда.

— Бундан икки йил муқаддам маҳалламиз қошида тикув цехи очиб тезда ишга киришдик, — дейди маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Фарида Йўлдошева. — Дастлабки кунданоқ 12 нафар аёл ўз-ўзимизга кийим тика бошладик. Тикув цехининг бошлиғи қилиб Саодатхон Самадхўжаевани тайинладик. Аёлларни, қизларимизни тикувчилик касбига сидқидилдан қизиқтира олгани учун ҳам ҳозирги кунда сафимиз 84 тага етди. Кичкинагина цех бугунги кунда кичик корхона бўлиб, ўз-ўзини хом ашё билан таъминлаш даражасига чиқиб олди. Асосан эътиборни якка нусхадаги ҳамда харидоргир маҳсулотлар тикишга қаратганлигимиз учун тайёр буюмлар туриб қолаётгани йўқ. Маҳсулотларимиз шаҳримиз дўконларида сотилмоқда. Ишчиларимизга иш ҳақи ишбай усулида тўланса-да, аммо маҳсулот сифати биринчи ўринда туради. Бу борада Маҳбуба Нуриддинова, Флюра Йўлдошева, Умида Шарофиддиновалар бор маҳоратларини кўрсатиб касбдошларига ўрнак бўлишмоқда.

Аёлларимизнинг моддий таъминоти, яъни ишига ҳақ тўлаш сотилган маҳсулотдан олинадиган фойданинг маълум фоизи ҳисобидан тўланади. Ишга келиш ва кетиш ҳар бир ишчининг имкониятига қараб белгиланади. Бундан ташқари ишчи уйга иш олиб кетиб тикиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Умуман олганда тадбиркорлик билан иш тутилса албатта кўзланган ниятга эришилади.

Гулнора МАЛИКОВА.

